

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЯНГИ БАРПО ЭТИЛГАН ЁРМОН БИОЦЕНОЗИДА
LEPIDOPTERA ВАКИЛЛАРИНИНГ ТУРКУМИ ТУР ТАРКИБЛАРИ ВА
УЧРАШ ДАРАЖАЛАРИ**

Гозибеков Абдуманнон Собирович

Тошкент давлат аграр университети

Қишлоқ хўжалиги бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: *Мақоламизда Тошкент вилояти ўрмон биоценозида учрайдиган Lepidoptera туркуми Eribidae оиласининг асосий вакиллари хисобга олинди. Lymantria dispar L нинг биоценозда учраш даражадлари худудлар бўйича Қоранқулсой ўрмон бўлимида 62,2 %, Оқтош ўрмон бўлимида 45,4%, Сижжасак ўрмон бўлимида 52,5 %, Угам-Чотқол миллий табиат бозида 48,5 %, учраши аниқланди.*

Калит сўзлар: *Lepidoptera, учраш даражалари, Eribidae, тур таркиби, паразит энтомофаглар, биоценоз, зараркунанда.*

**ВИДОВОЙ СОСТАВ И УРОВНИ РАСПРОСТРАНЕННОСТИ
ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ LEPIDOPTERA В ВНОВЬ СОЗДАННОМ ЛЕСНОМ
БИОЦЕНОЗЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

Гозибеков Абдуманнон Собирович

Ташкентский государственный аграрный университет

Доктор философии в сельском хозяйстве (PhD)

Аннотация: *В нашей статье учтены основные представители семейства Eribidae семейства Lepidoptera, обнаруженные в лесном биоценозе Ташкентской области. Распространенность Lymantria dispar L в биоценозе составила 62,2% в лесничестве Коранкулсай, 45,4% в лесничестве Акташ, 52,5% в лесном управлении Сиджасак и 48,5% в Угам-Чаткальском национальном природном парке.*

Ключевые слова: *Lepidoptera, уровни встреч, Eribidae, видовой состав, паразитические энтомофаги, биоценоз, вредители.*

**SPECIES COMPOSITION AND OCCURRENCE LEVELS OF LEPIDOPTERA
REPRESENTATIVES IN THE NEWLY ESTABLISHED FOREST BIOCENOSE OF
TASHKENT REGION**

Gozibekov Abdumannon Sobirovich

Tashkent State Agrarian University

Doctor of Philosophy in Agriculture (PhD)

Abstract: In our article, the main representatives of the family Eribidae of the family Lepidoptera, found in the forest biocenosis of Tashkent region, were taken into account. The incidence of *Lymantria dispar* L in the biocenosis was 62.2% in the Koranqulsay forest department, 45.4% in the Aktash forest department, 52.5% in the Sijjak forest department, and 48.5% in the Ugom-Chatkal National Park.

Keywords: Lepidoptera, counter levels, Eribidae, species composition, parasitic entomophagous, biocenosis, pest.

Мамлакатимизда ўрмон ва боғ биоценозида Lepidoptera туркумининг тунламлар, куялар ва парвоналар оиласи вакиллари кўплаб учраб, ўсимликларга катта зарар етказди. Республикаимизнинг табиий-иқлим шароити ушбу зараркунандаларнинг ривожланиши ва тарқалиши учун қулай шароит хисобланади. Lepidoptera туркумининг ассосий вакилларига кирадиган зараркунандаларни уларни ўрмон дарахтларига етказадиган зарарига қараб аниқланди. Биргина Eribidae оила вакилларида тенгсиз ипакчи ва туркистон (златогуска) тилладумли зараркунандалари жиддий зарар етказувчи турларга киритилган [1].

Тадқиқотларимизни самарали олиб бориш ўрмон биоценозида учрайдиган Lepidoptera туркуми Eribidae оиласининг ассосий вакиллари хисобга олинди. Чунки бизнинг ассосий мақсадимиз ушбу зараркунандаларда учрайдиган янги турдаги паразит энтомофагларни ажратиб олиш ва уларнинг тур таркибларини ўрганиш. Хамда ажратиб олинган янги турдаги паразит энтомофагларни биологларияда кўпайтириш технологиясини яратиш ва шу ассосида ўрмон биоценозининг биохилма хиллигини сақлаш, биологик ҳимоя қилиш ассосида мамлакатимиз аҳолисига экологик соф қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб беришдан иборат.

Ўрмон биоценозда Lepidoptera туркумининг Eribidae оиласининг паразит-хўжайин муносабатлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар хўжайин муносабатларини бир маромида ушлаб туради алоҳида ўрин тутди. Атроф муҳит омилларининг кескин ўзгариши натижасида улар ўртасидаги мувозанат бузилиб, хўжайиннинг оммавий кўпайишига олиб келади.

Тадқиқотларимизда ўрмон биоценозида Lepidoptera туркумини Ўзбекистоннинг шимолий шарқий ҳудуди фаунаси ўрганиш мақсад қилдик. Дастлабки Eribidae оиласи вакиллари тур таркиблари ва уларнинг паразит энтомофагларини хисобга олдик.

Кузатувлар ассосан Тошкент вилоятининг Бўстонлик ва Чирчиқ дарёси яқинидаги хавзаларидаги ўрмон ва мевали боғ хўжаликларида олиб борилди.

Кузатувлар натижасида Тошкент вилояти Бўстонлик туманида жойлашган Бурчмулла ўрмон хўжалиги Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғларида олиб борилди Lepidoptera туркумининг Eribidae, Tortricidae, Plutellidae, Pieridae ва

Noctuidae оиласи вакилларини аниқлаш бўйича олиб борилди. Eribidae оила вакилларининг 2 та тури аниқланди. Булар тенгсиз ипакчи курти (*Lymantria dispar* L.) тури бўлиб, ушбу зараркунанда энг кўп тарқалган (79.6%), тури *Lymantria dispar* L. эканлиги тадқиқотлар натижасида маълум бўлди.

1-жадвал

**Ўрмон биоценозида учрайдиган *Lepidoptera* туркумини асосий вакиллари
 (Тошкент вилояти Бурчмулла ўрмон хўжалиги 2022-2023 йй)**

№	Зарарнуандаларнинг Латинча номи	Зарарнуандаларнинг Ўзбекча номи	Зарарлаш даражаси
Eribidae оиласи			
1	<i>Lymantria dispar</i> L.	Тенгсиз ипакчи курти	+++
Tortricidae оиласи			
1	<i>Tmetocera ocellana</i> F.	Куртак парвонаси	++
2	<i>Recarvaria nanella</i> Schiff	Барг парвонаси	+
3	<i>Carpocapsa pomonella</i> L	Олма курти	+++
4	<i>Grapholitha molesta</i>	Шарқ мевахўри	+++
Plutellidae оиласи			
1	<i>Yponomeuta malinellus</i> Zell.	Олма куяси	++
2	<i>Coleophora hemerobiola</i> Fil	Ғилофли куя	+
3	<i>Cemiosstoma scitella</i> Zell	Гирдак куя	++
Pieridae оиласи			
1	<i>Aporia crataegi</i> L.	Дўлана капалаги	++
2	<i>Cyaniris argiolus</i> L.	Баҳорги кўк капалак	+++
3	<i>Zeuzera pyrina</i>	Арвох (ўювчи) капалак	++
Noctuidae оиласи			
1	<i>Sarothripus musculana</i> Ersch	Ёнғоқ курти	+++

Изоҳ: Зарарлаш даражаси- (+++) кўп, (++) уртача, (+) кам.

Тадқиқотларимиз кузутувларида ўрмон биоценозида учраган энг кўп зараркунанда турлари Tortricidae оила вакилларига тўғри келди. Ушбу оиланинг *Tmetocera ocellana* F, *Recarvaria nanella* Schiff, *Carpocapsa pomonella* L, *Grapholitha molesta* турлари учраши маълум бўлди. Аммо ушбу турлар ичида ўрмон ва боғ дарахтларига энг катта зарар етказадиган ва бошқа доминант турлардан популяциясининг зичлиги билан *Carpocapsa pomonella* L (66,4 %) ва *Recarvaria nanella* Schiff (31,4%), зараркунандалари эканлиги аниқланди.

Йиллар бўйича кузатувларда юқоридаги зараркунандаларнинг учраши умумлаштирилиб ўртача кўрсаткичлари олинди.

Ўрмон биоценозида *Lepidoptera* туркуми вакилларининг учраш даражаси йиллар бўйича турлича бўлиб, улар популяция зичлиги ўзгариб турди. *Lepidoptera* туркуми вакилларининг, популяция зичлиги катта ёки кичик бўлишини аниқлаш мақсадида,

бошқа хуудлардаги ўрмон биоценозларида тадқиқотлар олиб борилди ва зараркунандани учраш даражаси йиллар бўйича кузатилди.

2-жадвал

Медали боғ (олма биоценозида) биоценозида учрайдиган Lepidoptera туркумининг асосий вакиллари (Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани “Ғанишер” фермер хўжалиги 2022-2023 йй).

№	Зарарнундаларнинг Латинча номи	Зарарнундаларнинг Ўзбекча номи	Зарарлаш даражаси
Eribidae оиласи			
1	<i>Lymantria dispar L.</i>	Тенгсиз ипак курти	++
Tortricidae оиласи			
3	<i>Carpocapsa pomonella L</i>	Олма курти	+++
	<i>Grapholitha molesta</i>	Шарқ мевахўри	+++
Plutellidae оиласи			
1	<i>Yponomeuta malinellus Zell.</i>	Олма куяси	+++
Pieridae оиласи			
3	<i>Zeuzera pyrina</i>	Арвоҳ (ўювчи) капалак	+

Изоҳ: Зарарлаш даражаси- (+++) кўп, (++) уртача, (+) кам.


Боғ биоценозида асосан *Carpocapsa pomonella L*, *Grapholitha molesta*, *Yponomeuta malinellus Zell* турлари кўп учраши аниқланди, нисбатан кам учраган турлари эса *Lymantria dispar L.*, *Zeuzera pyrina* эканлиги маълум бўлди.

Ушбу зараркунандалар асосан Олма, ўрик ва шафтолида дарахтларида кўп учраб кўпчилик турлари дарахтларнинг вегетация даврида зарар етказиши маълум бўлди. Тадқиқотлар натижасида олма дарахтига катта иқтисодий зарар етказиш мумкин бўлган зараркунанда турлари аниқланди.

Юқоридаги маълумотларимизни аниқлаштириш мақсадида тадқиқотларимизни кенгайтирдик ва Ўрмон ва боғ биоценозларида учраб зарар келтираётган зараркунанда турларини учраш даражаларини Ўзбекистоннинг шимолий- шарқий хуудларида аниқ % ларда кўриб чиқдик.

Тадқиқотларимизни 2022-2023 йилларда олиб борилган илмий ишлар умумлаштирилиб ўртача хисоблар келтирилди. Ушбу зараркунанда турлари мамлакатимиз бўйлаб турли хилдаги турлари тарқалган ва ушбу турларнинг тарқалиши ва ўша хуудда яхши ривожланиши, бу зараркунанда турларининг биоэкологиясига узвий боғлиқ бўлиб, биз тадқиқотларимизда Ўрмон биоценозида учрайдиган *Lepidoptera* туркумининг асосий вакилларида бири бўлган тенгсиз ипакчи куртини хуудлар бўйича тарқалишини ҳам ўрганишни мақсад қилган эдик.

Худудлар бўйича *Lymantria dispar* L. ни учраш даражаси



1-расм. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманининг турли худудларида тенгсиз ипакчи қурти (*Lymantria dispar* L.) турини учраш даражаси. (2022-2023 йй).

Дастлабки тадқиқотлар Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ ўрмон хўжаликларида олиб борилди. Ўрмон биоценозида доимий учрайдиган тенгсиз ипак қуртини (*Lymantria dispar* L.) турли худудларда бошқа турдаги зараркунанда турларига нисбатан учраш даражалари ўрганилди. Унга кўра ушбу тур Қоранкулсой ўрмон бўлимида 62,2 %, Оқтош ўрмон бўлимида 45,4%, Сижжак ўрмон бўлимида 52,5 %, Угом-Чотқол миллий табиат боғида 48,5 %, учраши маълум бўлди. (1-расм).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бондаренко Н.В. Биологическая защита растений. Москва. Агропромиздат, 1986.- 278с.
2. Борхсениус Н.С. Практический определитель кокцид культурных растений и лесных пород. Изд. АНР. Москва. Ленинград.1963г. –С 125.
3. Будашкин Ю.И. Чешуекрылые Карадагского заповедника. Сообщ.Флора и фауна заповедников в Сред.Азия М., 1987 с. 32-62
4. Васильев В.П., Лившиц И.З. Вредители плодовых культур. - М.: Колос, 1984. - 417 с.
5. Б.А.Сулаймонов, Х.Х.Кимсанбоев, Ш.Э.Эсонбоев.“Мевали боғ зараркундалари ва уларга қарши биологик усулни қўллаш асослари.”
6. Сулаймонов Б.А. “Қишлоқ хўжалик зараркундаларига қарши энтомофагларни кўпайтириш ва қўллаш.” Тафсиянома “Zamin nashr” нашрети, 2018. 38-51 б.
7. Х.Х.Кимсанбоев, Б.А.Сулаймонов, Р.А.Жумаев., А.А.Рустамов., А.Р. Анорбаев, О.А.Сулаймонов. “Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш.” (ўқув қуланма) // - Т: «O'zbekiston» НМИУ,2015. 192 б